

## **ASSISTANT REPRODUCTIVE RIGHTS LEGAL GUARANTEES OF INDIVIDUALS AND CITIZENS IN USE**

**Yusupova Faringiz Uktam kuzy**

Lecturer at the Department of International Law and Human Rights,

Tashkent State University

Tel: 97-002-58-77, Faringiz002@gmail.com

### **ABSTRACT**

This article is a comprehensive study of the reproductive rights and nature of women, the content and system of reproductive rights and their constitutional eligibility and freedoms, the use of assisted reproductive technologies to protect the rights of citizens to exercise their reproductive rights.

**Keywords:** auxiliary reproductive technologies, legal regulation, IVF insemination, infertility, reproductive age, surrogacy.

Инсон хуқуқлари умумжахон декларациясида барча инсонларга тегишли бўлган хуқуқлари белгилаб қўйилган. Инсон хуқуқлари умумжахон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган. Бошқача қилиб айтганда дин, тил, ирқ, қандай бўлишидан қати назар одамлар эркилиги ва хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади, ҳар бир давлат ўз хохишига кўра репродуктив технологиялрадан фойдаланиш тартиби ва усуларини норматив-ҳуқуқ хужжатларини қабул қилган холда тартибга солишлари мумкин.

2006 йил октябр ойида Жанубий Африкада “Ёрдамчи репродуктив технологиялар” туғрисида Бутунжахон тиббиёт бирлашмаси томонидан декларация қабул қилинганунда айтилишича “репродуктив технологиялардан фойдаланишда миллий ёки ҳалқаро профессионал ташкилотлар стандартларига мувофиқ бўлиши лозим хар бир давлат репродуктив технологиялардан фойдаланиш чоғида шифокорлар ва ушбу даволаш усувлари билан туғилган болалар олдидағи хуқукий ва ахлоқий мажбуриятларни хисобга олишлари керак агар ушбу даволаш усувлари натижасида дунёга келадиган болага жиддий зарар етказилиши исботланса, шифокор даволашни қўллашдан бош тортиши керак” [1].

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенсиясининг 8 моддасига асосан болалик бўлиш ёки бўлмаслик бу шахсий хаёт ҳуқуқининг бир қисмидир. Рандалов Ю.Б фикрича репродуктив технологиялардан фойдаланиш фойда келтириши билан ўзининг бир қатор муамолари хам мавжуд репродуктив технология усулларидан фойдаланиш ахлоқий, ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни кетириб чиқаради[2].

Репродуктив технологиядан фойдаланишдан олдин бир қатор саволларни келтириб чиқаради даволашнинг ушбу усуллари фойдали бўлиши мумкинми? тухумхужайрани уруғлантириш билан хомла пайдо булганидан сўнг келгуси тақдири? Эр-хотин вафотидан сўнг тирик қолган эмбрионлардан фойдаланиш мумкинми?

Ушбу муаммоларни хал қилиш инсон қадр-қиммати тушунчасини ишлаб чиқиш ва хали туғилмаган боланинг манфаатлари хисобга олган холда саволларга жавоб топиш лозим.

Репродуктив технологиялардан фойдаланиш даврида келиб чиқадиган ҳуқуқий муаммолар қиёсий қонунларда ушбу даволаш усулларидан фойдалниш билан боғлиқ тартиб ва тамойилларни қатъий тартибга солишга олиб келади. Бази мамлакатларда ушбу даволаш усуллари ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинган, баъзи мамлакатларда бу даволаш қонун ва тиббиётнинг умумий тамойиллари доирасида амалга оширилади[3].

Репродуктив ҳуқуқ эркинлиги конститутциявий ҳуқуқлардан биридир барча эр-хотинлар ўзларнинг хохиши-иродасини, камситмасдан, зўравонликларсиз ва босимсиз, болаларнинг нисбий сони, туғилиш вақт, вақт оралиғи тўғрисида қарор қабул қилишга эгадирлар. Инсонинг репродуктив муносабати унинг шахсий хаёти билан боғлиқ, унга аралашмаслик кафолатланади, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 моддасига асосан ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир.

М.В.Баглай фикрича шахсий хаёт бу одамга бериладиган эркинликлардир, ҳар бир инсон бу эркинликларни бошқалардан химоя қиласди ва асрайди. Бу ҳар бир шахснинг суверенитети хисобланади яний “яшаш мухити” яхлитлигини англатади[4].

Р.Б.Головкин фикрича шахсий хаёт бу ҳар қандай аралашувлардан холи бўлган яқинларингиз билан шахсий хаёт ва оммавий алоқа қилишнинг табиий ва ажralmas ҳуқуқидир[5].

Ўзбекистон Республикасида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равища йиғиши ёки тарқатиш қонунга хилоф хисобланади. Агар инсонинг эркинликларини тахлил қилсак шубҳасиз кўп томонлама ахлоқий, фалсафий ва ҳуқуқий қарашларга эгалигини

кўрсак бўлади. Фалсасий ҳуқуқий тушунча нуктаи назаридан қараск бу инсон мавжудлигининг мазмунли мақсади, инсонинг жралмас ва табиий асосий ички табиати хисобланади. Инсонинг барча шахсий ҳуқуқларининг асоси инсонинг эркинлиги бўлиб, қонунинг асосий қадрияти ва давлатнинг қонун устуворлиги мезони билан белгиланади. Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш учун даволанаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ЭКУдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунлар белгиланган бўлиши, ундан ташқари хомла пайдо бўлганидан сўнг тирик колган эмбрионларнинг тақдири хамда тарафларнинг мажбуриятларини ўз ичига олувчи норматив ҳуқуқий хужжатлар бўлиши керак. Кўплаб давлатлар ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланишда ўз норматив ҳуқуқий хужжатларига эгадирлар.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бири деб тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосидир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

- 1.Попова РЭ., Эрдынеева К.Г. Двигательная активность и репродуктивное здоровье // Состояние здоровья: медицинские и психолого-педагогические аспекты: материалы I Междунар. науч.-практ. конф.: в 2 ч. - Чита: ЧитГУ, 2009. - Ч.1. - С. 82-85. [www.itedu.chitgu.ru](http://www.itedu.chitgu.ru)
- 2.Рандалов Ю.Б., Чукреев П.А., Хараев Б.В. Социально-демографическая структура и проблемы повышения рождаемости в Республике Бурятия. - Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2009. - 132 с.
- 3.А.Л. Аллен, Приват в здоровье. Эд. W.T. Рейх, энциклопедия биоэтики В. 4, Macmillan Library Reference USA Simon and Schuster Macmillan Newyork 1995, стр. 204
- 4.Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации- М., 2009 –С.7.[pro-sud-123.ru](http://pro-sud-123.ru)
- 5.Головкин Р.Б. Личная жизнь: пределы вмешательства. -М., 1989.-С 8.lib.rosdiplom.ru